• *Журёнлик картошкакорлар тажрибасидан*



# ҲОСИЛ ЯХШИ БЎЛГАН ЖОЙДА УРУҒЛИК ҲАМ САРА БЎЛАДИ

***Табиий иқлим шароитлари боис вилоятда эртанги картошка июль ойи бошларида пишиб етилса, Хева туманидаги Журён қишлоғида июнь ойи бошлари, баҳор эрта келган йиллари эса, майнинг охирларидаёқ етилади.***

***Асл деҳқон қайси далага нима экиш зарурлигини бир қарашдаёқ фаҳмлайди, уруғни ер, иқлим шароити тақазо этган майдонларгагина қадайди. Беруний номли жамоа хўжалиги далалари беш-олтита катта-кичик каналлар лойқаланиб оқувчи серсув ариқлар оралиғидаги унумдор ерларда жойлашган. Бундай далаларнинг тупроғи одатда енгил ва пўрсилдоқ бўлади.***

— Бизнинг хўжалигимизда ерлар пахтадан ҳам кўра кўпроқ картошкани севади., — дея ҳикоя қилади хўжалик раҳбари Рўзмат Ражабоев. — Журён азалдан моҳир картошкачилар эли саналишининг боиси шу.

Раис ҳақ. Лекин, бу экинни етиштириш биргина ер шароитига боғлиқ дейиш хатодир. Деҳқон билимдон, тажрибали ва тадбиркор бўлмаса энг унумдор ер ҳам мўл ҳосил тўкмайди. Бинобарин Журён деҳқонлари ўта тадбиркор дейишимизга асос бор.

Қишлоқда томорқасига картошка экиб, рўзғор тебратмайдиган, мўмай даромад олмайдиган оила йўқ. Бу ердаги икки минг оиланинг бари картошкакор. 120 гектар томорқага картошка экилади. Бундан ташқари, жамоа хўжалиги ҳам 50 гектардан зиёд майдонга уруғ қадаган.

Воҳада картошка етиштириш билан шуғулланаётган хўжаликлар оз эмас, бироқ ачинарлиси шуки, кўпгина хўжаликлар картошка экиб, ҳатто сарфланган уруғликни қоплайдиган даражада ҳам ҳосил ололмаяптилар. Ҳосилдорлик вилоятнинг манаман деган хўжаликларида ҳам гектарига юз центнердан ошмаётир. Журёнда эса, 150-200 центнердан.

— Ҳавас билан қилинган иш ҳамиша самара келтиради, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Раҳимбой Тартиберганов. — Қишлоғимизда дала ишлари йил бўйи давом этади.

— Уруғлик муаммоси қийнаб қўймаяптими?

— Йўқ, — дейди у. — Картошкачилик йўлларини билган деҳқон уруғлик етиштириш сирларини ҳам яхши билади. Хоразм шароитида картошка 75-80 кунда пишиб етилади. Уруғлик олишни ният қилган деҳқон эса бу муддатни кутиб ўтирмай ҳосилни 68-70 кун оралиғидаги муддатда йиғиштириб олиб, саралаcа, асосий қисми, уруғликка ўтади. Ҳали думбиллигида (экилганига 68 кун тўлмасдан илгари) ёки тўрлаб кетгач (80 кундан сўнг) йиғиштириб олинган ҳосил уруғликка ярамайди. Шоҳлари бўлиқ ва дуркун ўсган картошка тупларида эса энг сара уруғлик етилади.

Хўжалик деҳқонлари шу тамойилларга амал қиладилар. Картошкадан йиллар давомида мўл ва сифатли ҳосил олиб келинаётганининг боиси шу. Хўжалик уруғлик билан ўзинигина таъминлаётгани йўқ. Вилоятнинг кўпгина жамоа хўжаликлари энг сара уруғликни шу ердан олишади. Тан олмоқ керак: ўтган йили узоқ хориждан келтириб экилган уруғлик кўнгилдагидай ҳосил бермади. Аммо, картошкани деярли томорқа эгалари етказиб бердилар. Уста деҳқон Иброҳим Жуматов ўтган йили 15 сотих ерга картошка экиб, салкам 3 тонна ҳосил олди. Оила эҳтиёжига унинг бир неча юз килоси кифоя қилди. Уруғлик ва озиқа сифатида сотилган 2,5 тонна картошка хонадонга 50 минг сўмдан зиёд сармоя келтирди. Бектурди Йўлдошев, Ҳожибой Полвонов каби ўнлаб деҳқонлар ҳам яхши даромад қилди.

Вилоятнинг картошка етиштирувчи хўжаликларида уруғлик етишмаслигидан нолишади. Берунийликлар ўзлари учун ҳам, ўзгалар учун ҳам ҳар йили бинойидай уруғлик етиштираётган бир пайтда бошқаларнинг бу ишни эплай олмаётгани дилингизни ҳижил этади. Картошка экиш пайтида вилоят вакиллари уруғлик илинжида чор тарафга зир югуришаётгани, бунинг учун миллионлаб маблағни сарфлашаётгани афтидан ҳеч кимни ташвишга солмаётир. Бунинг ўрнига Журён деҳқонларининг тажрибасини қўллашса бўлмасмиди?

Бизнингча, иллатнинг боши шунда. Энг катта ва асосий нуқсон воҳада картошка етиштириш агротехникаси ҳануз мукаммал ўзлаштирилмагани ва бу ишга эътиборнинг мутлақо йўқлигидир. Вилоятда картошкачиликни ихтиёр этганларнинг бир тоифаси бу касб сир-асрорларини умуман билмайди, бунга ўзида рағбат ҳам сезмайди. Яна бир тоифаси уруғлик етиштиришни билмайди, бошқа бир тоифа раҳбару мутахассислар эса унисиниям, бунисиниям билади, аммо ҳафсала қилмай, баҳонага зўр беришади. Картошкачилик истиқболларига шубҳа билан қаровчилар ҳам йўқ эмас. Аслида эса юқорида таъкидланганидай, бунинг иложи бор. Ҳосил яхши бўлган жойда уруғликни ҳам етиштирса бўлади. Уруғлик муаммоси картошкачилик равнақи йўлидаги энг катта ва асосий тўсиқ бўлиб қолаётгани ҳозир воҳада ҳаммага аён, берунийлик картошкакорлар тажрибаси ва маслаҳатига амал қилган деҳқон ҳосилга ҳам, уруғликка ҳам ёлчиши аниқ. Гап бу қимматли тажрибани ўрганиб олишда қолган. Илғорлар тажрибасининг оммалашуви валюта эвазига хорижий ўлкалардан ҳар йили юзлаб тонна уруғлик харид қилиш ва уни ташиб келтириш ташвишларидан қутқазади.

**Абдулла СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• *Туркистон умумий уйимиз*





*Қирғизистоннинг Новқат туманида 30 дан зиёд турли миллат вакиллари аҳил, бир оила фарзандларидек яшаб, меҳнат қилишаяпти.*

*Олой тоғ тизмалари ён бағирларига жойлашган Новқат ўзининг сўлим табиати, мусаффо ҳавоси, шифобахш оромгоҳлари билан ҳам машҳурдир. Янги Новқат қишлоғидаги Апширсой, Жарқўрғон қишлоғидаги Қорағор, Найман сув омборида ташкил этилган дам олиш масканларида Андижон, Фарғона, Наманган вилояти меҳнаткашлари ҳам дам олишиб, саломатликларини тиклашади.*

*Суратларда: Туманда фаолият кўрсатаётган «Мезгил уни» («Давр овози») ашула ва рақс дастаси кўпчилик эътиборига тушган. Бастакор Шарип Абдуллаев, даста иштирокчилари Мисқол Маткеримова, Пазилат Топгубаева, Тахай Жусупбаевларни кўриб турибсиз; туманнинг илғор фермерларидан Рауп Жаксиликов.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган суратлар.**

## ҒАЛЛА КАРВОНЛАРИ

Қарши тумани деҳқонлари вилоятда биринчи бўлиб дастлабки ғалла карвони ташкил этдилар. Қабул пунктларига 500 тонна сара дон топширилди.

Қашқадарё ғаллакорлари ўрим-йиғимни авж олдирмоқдалар. Ғалладан бўшаган ерлар пешма-пеш ҳайдалиб, такрорий экинлар экилмоқда.

**(ЎзА).**

***Бу йил Сурхондарё ғаллакорларининг меҳнати баракали бўлди.***

## УЗУНЛИКЛАРНИНГ 9,5 МИНГ ТОННАЛИК ХИРМОНИ

Нафақат вилоятда, балки Ўзбекистонда биринчи бўлиб ғалла тайёрлаш режасини бажарган ангорликлардан сўнг, мана Узун тумани ғаллакорлари ҳам режани ортиғи билан ўринлатдилар. Давлатга 9,5 минг тонна дон топширилди. Б. Омонов, А. Эшмирзаев, «Гулистон» жамоа хўжаликларида ҳосилдорлик 55-58 центнерни ташкил этди. Қизиғи шундаки, йиллик режа бажарилган бўлса-да, жами экилган майдоннинг 60 фоизидан зиёдига ҳали ўроқ тушгани йўқ. Туман ғаллакорлари давлатга яна 1000 тонна дон сотишади, 3100 тонна уруғлик ғамлайдилар, шунинг учун 40 та комбайн зўр унум билан ишламоқда.

**Тожиддин РАЗЗОҚ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




## ТАЛАБ ТЎЛИҚ ҚОНДИРИЛДИ

***Таҳририятимизга мактуб йўллаган булунғурлик С. Ғаффорова ташаббус кўрсатиб, «Фармонтепа» номли деҳқон хўжалигини тузганлиги, аммо уни рўйхатдан ўтказишда турли тўсқинликларга дуч келаётганлигини ёзган.***

Мазкур шикоятни текшириб, тегишли чора кўришларини сўраб туман ҳокимлигига хат юборилган эди. Яқинда қуйидаги мазмунда жавоб хати олинди.

«Аризачининг ёзган шикояти тўлиқ тасдиқланди. Унга туман ҳокими фармойишига асосан 30 гектар лалми ерда деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун рухсат этилди. Шунингдек, 2 гектар сувли ер шартнома асосида ижарага берилди».

**А. АЗИМОВ,**
**Булунғур тумани ҳокими.**

## МУТАСАДДИ РАҲБАРЛАР ЗИММАСИГА ЮКЛАНДИ

***Зафаробод туманидаги Октябрь (?!) давлат хўжалиги меҳнаткашлари номидан йўлланган шикоят хатида улар яшаб турган маҳаллада мавжуд қатор камчиликларни бартараф этишда сусткашликка йўл қўйилаётганлиги айтилган эди.***

Яқинда туман ҳокимлигидан таҳририятнинг ушбу масала бўйича юборган хати юзасидан қуйидагича жавоб келди:

«Мазкур арзномани туман ҳокимлиги, Охунбобоев номли ижара ширкатлар уюшмаси раиси ва ариза муаллифлари иштирокида жойида ўрганиб чиқилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Ҳақиқатан ҳам маҳалла янги қурилган бўлиб, бу ерга ном берилмаган, йўллар асфальтланмаган, табиий газ ва ичимлик суви билан таъминланмаган.

Табиий газ, ичимлик суви олиб келиш лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни 1996 йил 20 майгача тугаллашни хўжалик раҳбари ўринбосари А. Ирисов зиммасига юклатилди. Шунингдек, кўчага шағал ётқизиш ишларини 1996 йилнинг 1 сентябрига қадар тугаллаш, сув ва газ ўтказишни эса 1996-97 йиллар мобайнида тугатиш борасидаги ишлар хўжалик раҳбари А. Маматқуловга топширилди. Янги ташкил этилган маҳаллага «Ёрқин» қишлоқ фуқаролари йиғини қарори билан «Ҳамза» номи берилди.

Туман ҳокимлиги аризада кўрсатилган камчиликларни тугатиш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни доимий назорат қилиб туради».

**С. ҚУВОНДИҚОВ,**
**Зафаробод тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари.**

• *Луқма*

## НЕГА 2,5 МИЛЛИОН СЎМЛИК ДАРОМАДДАН ҚУРУҚ ҚОЛИНДИ?

***Қурама тоғлари водийсида жойлашган Сўхнинг табиати картошка етиштиришга мослашган. Воҳанинг ширин картошкаси таърифи мамлакатимиз сарҳадларидан ташқарида ҳам яхши маълум. Лекин, бу ерда ҳам режа кетидан қувиб, турли хил найранглар ўйлаб топиш одат тусига кириб бораяпти.***

— Туман деҳқонлари картошка етиштиришнинг ҳаддисини олишган, дейди туман прокурори Саидакбар Мамарасулов. — Бундан ўн-ўн беш йил аввал ҳар гектар майдондан 200-250 центнердан ҳосил олинарди. Афсуски, сўнгги йилларда эса бундай кўрсаткичнинг ярмига етаётган хўжаликлар пешқадам ҳисоблаяпти. Устига устак камайтирилган режалар ҳам бажарилмаяпти.

Яқинда туман прокуратураси картошка етиштирувчи хўжаликлар ишини назорат тартибида кўриб чиқди. Текшириш чоғида айрим хўжаликлар қўшиб ёзишлардан, кўз-кўриб, қулоқ эшитмаган тадбирларни ўйлаб топишдан тоймаслиги яққол кўриниб қолди. Сўх ширкатлар уюшмасида ўтган йили 172 гектар майдондаги картошкадан 2615 тонна ҳосил олиш режалаштирилган эди. Афсуски, у режадагига нисбатан 825 тонна кам бўлди. Аслида 1000 тоннадан ортиб кетиши керак эди. Хўжаликда ҳисоб-китоб мутасаддилари 260 тонна картошка чорвага озуқа тариқасида берилди, деб ҳисобдан чиқариб ташлашди. Биз 45 тонна картошка чиқиндига чиқарилгани ҳақидаги актни бу ҳисобга киритганимиз йўқ. Шунча ҳосилни чорвага ем қилган раҳбарлар хўжалик хазинасига бир миллион 800 минг сўм зарар келтиришганини билишармикан?

Шу уюшма таркибидаги «Равон» деҳқончилик ширкатида ҳосилнинг тўққиздан бир қисми, Додақўзиев номли ширкатда бешдан бир қисми, Юнусов номли ширкатда эса олтидан бир қисми чорва молларига берилди, деб ҳисобдан чиқариб юборилган. Бу картошкалар ҳақиқатдан молларга берилганми, бу фақат далолатномага имзо чеккан мутасаддиларгагина аён. Ҳақиқатни айтай деса, жониворларнинг тили йўқ.

Йил бошида маҳсулот етиштириш режалаштирилаётганда чорва молларига бериладиган озуқа ҳам ҳисоботларнинг бир четида қайд этиб қўйилар экан. Ўтган йили «Озод» жамоа хўжалигида картошка тайёрлаш режаси атиги 60 фоиз бажарилди. Шундай бир пайтда ҳам хўжаликнинг биринчи участкасида картошканинг 10 фоизи «чорвага бериб» юборилган. «Ҳушёр» жамоа хўжалигида ҳам аҳвол яхши эмас. Бу ерда ҳосилнинг 15-18 фоизи сотишга ва истеъмолга яроқсиз деб топилиб чорва молларига озуқа тариқасида «тортиқ» қилинган.

Сўх вилоятнинг картошка етиштириладиган асосий минтақаси ҳисобланади. Ўтган йили туман бўйича 433 тонна картошка истеъмолга яроқсиз деб топилиб, молларга едирилган. Бундай хўжасизлик туфайли 2,5 миллион сўм даромаддан қуруқ қолинди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


ТАШКИЛОТ СОТАДИ
ХЛАДОН-22 (фреон)
1 тоннаси 650.000 сўм.
*Воситачиларга хизмат ҳақи тўланади.*
Тел.: (3712) 78-59-69, 78-72-95.



"ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ" Д.А.К. ПАССАЖИР ВАГОНЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ДИРЕКЦИЯСИГА
*қуйидаги ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассислар керак:*
- ГАЗ-ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ;
- ЧИЛАНГАР-САНТЕХНИК.



КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!
Тошкент вилоят АТ "Тадбиркор" банки ўзининг янги манзилини маълум қилади:
Тошкент ш., А. Қодирий кўчаси М-15, 9-уй, инд. 700128.
Телефонлар: 44-09-83, 44-09-82.


Ўзбекистон Фанлар академияси Тупроқшунослик ва агрокимё институти жамоаси Шўр тупроқлар мелиорацияси бўлими мудири профессор О. Комиловга умр йўлдоши
**Ойсара УМРЗОҚОВАНИНГ**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбалиқ концерни ва «Дамачи» АЖ жамоаси Дамачи балиқчилик комбинатининг собиқ раҳбари Қодир Шариповга умр йўлдоши
**ТУРСУНОЙ аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Ташкилот
қаймоғи олинмаган сут ўрнига бузоқларга ичириладиган сунъий сут
сотади:
ГОЛЛАНДИЯДА ТАЙЁРЛАНГАН

*Маҳсулот таркибида бузоқларнинг соғлом ўсиши учун барча зарур моддалар мужассамлашган.*
Қаймоғи олинмаган сутдан анча арзон
Тел. Тошкентда: (3712)
33-92-40, 36-76-96. 36-24-01.


**Тижорат банкларининг юридик шахсларнинг депозитларига ва аҳолининг омонатларига оид фоиз ставкалари ва тижорат банкларининг берилган кредитларига оид фоиз ставкалари тўғрисида 1996 йил май ойи миллий валютада**

## МАЪЛУМОТЛАРИ

| Тижорат банкларининг номи | Ўрта фоиз ставкаси | | | |
|---|---|---|---|---|
| | ажратилган кредитлар бўйича | | юридик шахсларнинг депозитларига ва аҳолининг омонатларига оид фоиз стакалари | |
| | қисқа муддатли ссудалар бўйича | узоқ муддатли ссудалар бўйича | юридик шахсларнинг депозитлари бўйича | аҳолининг омонатлари бўйча |
| Ўзсаноатқурилишбанк | 65 | 38 | 27 | 49 |
| Пахтабанк | 95 | 60 | 47 | 40 |
| Ҳалк банки | 88 | ** | * | 86 |
| Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки | 62 | 55 | 15 | 71 |
| Тадбиркорбанк | 94 | ** | 62 | 59 |
| ЎТ банк | 80 | ** | * | * |
| "Тошкент" деҳқон қурилиш банки | 96 | ** | * | * |
| Ўзавтодорбанк | 90 | ** | 50 | 35 |
| Ўзавиабанк | ** | ** | * | * |
| "Ипак йўли" банки | 90 | ** | * | 95 |
| "Турон" банки | 78 | ** | 36 | 55 |
| Инвестбанк | ** | ** | 10 | * |
| Савдогарбанк | 97 | 71 | 63 | 30 |
| Наманганбанк | 30 | ** | * | 50 |
| Андижонбанк | 97 | ** | 51 | 64 |
| Ўзмевасабзавотбанк | 111 | ** | 86 | 52 |
| Ўзгеолбанк | 120 | ** | 90 | 17 |
| Қурилиш тижорат банки | 50 | ** | * | 70 |
| Ўзенгилсаноатбанк | 25 | ** | 15 | 80 |
| Парвинабанк | 69 | ** | * | 50 |
| Олимбанк | 70 | ** | * | 70 |
| Умарбанк | ** | ** | 36 | 84 |
| Трастбанк | ** | ** | * | 10 |
| Ғаллабанк | 50 | ** | 35 | 36 |
| Алоқабанк | 65 | ** | 25 | * |
| Тошкентуйжой жамғарма банки | 68 | ** | 14 | 89 |
| Приватбанк | ** | ** | * | * |
| "Асака" банки | 100 | ** | 30 | 48 |
| Саёҳатинвест | 69 | ** | * | * |
| Зоминбанк | ** | ** | 15 | * |

***) - ҳисобот ойида кредитлар берилмаган*
**) - ҳисобот ойида юридик шахсларнинг депозитлари ва аҳолининг омонатлари жалб этилмаган*

